



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 17 » декабрь

№ 795

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида пулли хизматлар ташкил этилишини тартибга солиш, ҳаракатланаётган йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг туризм жозибадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 мартдаги 89-сон қарори (Ўзбекистон Республикасининг ҚТ, 2016 йил, 3-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “17” декабрдаги 795 -сон қарорига  
илова

### **Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 6-банддаги “назарда тутилган ҳолатлар” сўзларидан кейин “ҳамда мазкур Низомга иловада белгиланган автомобиль ўтказиш пунктларида кўрсатиладиган пулли хизматлар (кейинги ўринларда – пулли хизматлар)” сўзлари қўшилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

“6<sup>1</sup>. Пулли хизматлар автомобиль ўтказиш пунктининг нормал фаолиятига таъсир этмаган ҳолда, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мулкани ижарага бериш орқали белгиланган тартибда фақат тадбикорлик субъектлари томонидан кўрсатилишига йўл қўйилади.

Пулли хизматлар кўрсатилиши учун автомобиль ўтказиш пунктининг географик жойлашуви, кўрсатилиши мумкин бўлган пулли хизматлар тури ҳамда уларни кўрсатиш учун ажратилиши мумкин бўлган майдон, ўтказиш пунктининг ўтказувчанлик қобилияти инобатга олинади”.

3. Қуйидаги мазмундаги илова қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат чегараси орқали ўтказиш  
пунктлари тўғрисидаги низомга  
илова

### **Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларида кўрсатиладиган пулли хизматлар РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган мобил алоқа операторлари хизматлари.
2. Овқатланиш ҳамда санитар-гигиеник хизматларни ташкил этиш бўйича фаолият.
3. Бож олинмайдиган савдо дўконларида товарларнинг чакана савдоси.
4. Йўловчилар учун қўл аравачаларини ижарага бериш.
5. Йўловчилар ва уларнинг юкларини ўтказиш пункти ичида ташиш хизмати.

6. Ўтказиш пункти орқали ҳаракатланаётган транспорт воситаларини майда таъмирлаш ишлари ҳамда уларни эвакуация қилиш.

7. Ҳажми катта бўлмаган қўл юкларини сақлаб бериш.

8. Транспорт воситаларида ташилаётган юклар билан операциялар амалга ошириш (юк ортиш, тушириш, қайта юклаш).

9. Таржимонлик хизмати.

10. Хизмат кўрсатиш (йўловчи божхона декларацияси ва миграция бланкаларини тўлдириб бериш, турли компьютер хизматлари, факс, Интернет) хоналари.

11. Такси чақириш хизмати”.

